



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИДАГИ КАМЧИЛИКЛАР

Мамадияров Рамзиддин Ойбекович

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти йўналиши 3-босқич
311-гуруҳ курсанти

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-May 2023 yil
Ma'qullandi: 05-May 2023 yil
Nashr qilindi: 10-May 2023 yil

KEY WORDS

жиноятларнинг олдини олиш,
реабилитация қилиш ва
ижтимоий мослаштириш,
муҳтож бўлган шахслар
тоифаси, аҳоли бандлиги,
жамият аъзолари.

ABSTRACT

Юртимизда жиноятларнинг олдини олиш,
қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс, давлат ва
жамият манфаатларини ҳимоя этиш,
жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир
этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши,
айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка
тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун
айбдорларни фош этишда, шу билан бир қаторда
қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашда
Ички ишлар органлари ходимларининг айниқса,
профилактика инспекторларининг ҳиссаси
беқиёсдир.

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришга муҳтож бўлган шахслар тоифасини реабилитация марказларига жойлаштириш ҳамда уларнинг кимлигини, қаердан келганлигини ва яшаш жойини аниқлаш биринчи навбатда, жамият аъзоларига, айниқса, вояга етмаганларнинг тарбиясига салбий таъсирларини бартараф этиш, шунингдек, қидирувдаги жиноятчилар, бедарак йўқолганларни излаб топиш мақсадида амалга оширилиб, бу ишлар ўз навбатида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилишини олдини олишда ўз самарасини намоён этади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бу тоифадаги шахсларнинг пайдо бўлишининг сабаб ва шарт-шароитларига кўплаб омилларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин, масалан, айрим фуқароларнинг боқимандалик, ижтимоий фойдали меҳнат қилишга истагининг йўқлиги, бошқаларнинг хисобига яшашга, салбий хусусиятларга эга еканлиги, шахсларнинг маънавий тарбиясидаги камчиликлар, яқин қариндошлари томонидан унга тегишли бўлган мол-мулкларини ўзлаштириб олиниши, уй-жойларини сотиб юборилиши ва шунга ўхшаш салбий ҳолатлар. Ушбу йўналишдаги ишларни ташкил қилишда профилактика инспекторининг асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, маънавиятини ошириш, қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялаш каби чора-тадбирларни амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга.

Профилактика инспекторининг рецидив жиноятларнинг барвақт олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида бир қанча камчилик ва муаммолар урганилиб, уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди, жумладан:

1. Профилактика инспекторларининг рецидив жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш фаолиятидаги камчиликлардан бири деб, бир неча марта огир жиноятлар содир этганлиги учун жавобгарликка тортилган шахсларнинг бандлиги тўғри тақсимланмаганлиги натижасида рецидив жиноятлар миқдорининг ошиб боришига замин яратиш келмоқда.

- Бу турдаги камчиликларни бартараф этиш учун Аҳоли бандлигига кўмаклашувчи марказлар билан доимий равишда самарали ҳамкорликни амалга ошириш орқали бартараф этишимиз мумкин.

Профилактика инспекторлари томонидан рецидив жиноятлар содир этилишининг барвақт олдини олиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари бўйича жамоатчилик учрашувлари, семинар-тренинглар, маърузаларнинг лозим даражада ўтказилмаётганлиги.

Профилактика инспекторлари томонидан рецидив жиноятларнинг содир этилиш сабабларига доир жамоатчилик учрашувлари, семинар-тренинглар ва маърузаларнинг ўтказилишини кўпайтириш.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган, зўрлик ишлатишдан жабрланган, одам савдосидан жабрланган ва бошқа шу каби тоифадаги шахслар томонидан содир этилаётган рецидив жиноятчиликнинг сабабларидан бири жамоатчилик иштирокининг, жамоат ташкилотларида фаолликнинг йўқлиги, яъни бу соҳадаги ишлар етарли таъсир кучига эга бўлмасдан, бундай тоифадаги шахслар сони кўпайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

- Профилактика инспекторларининг рецидив жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш фаолияти самарадорлигини оширишда жамоатчилик иштироки ва назоратини кучайтириш.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган, зўрлик ишлатишдан жабрланган, одам савдосидан жабрланган ва бошқа шу каби тоифадаги шахслар томонидан содир этилаётган рецидив жиноятчиликнинг сабабларидан бири жамоатчилик иштирокининг, жамоат ташкилотларида фаолликнинг йўқлиги, яъни бу соҳадаги ишлар етарли таъсир кучига эга бўлмасдан, бундай тоифадаги шахслар сони кўпайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

- Профилактика инспекторларининг рецидив жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш фаолияти самарадорлигини оширишда жамоатчилик иштироки ва назоратини кучайтириш.

4. Профилактика инспекторларининг сохавий хизматлар билан рецидив жиноятларнинг барвақт олдини олишдаги ҳамкорлигини таъминлашда замонавий ахборот технологиялардан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги.

- Профилактика инспекторларининг сохавий хизматлар билан рецидив жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш фаолиятидаги ҳамкорлигини такомиллаштиришда улар ўртасида ягона дастурий таъминот яратиш, бундай

дастурий таъминотдан республика миқёсида барча профилактика инспекторларининг ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдалана олишини таъминлаш.

Адабиётлар:

1. “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” - Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси
2. “Huquqbuzarliklar profilaktikasi va jamoat xavfsizligini ta'minlash sohasida kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida”gi Prezident Qarori // 2019
3. Б.А. Матлюбов. Профилактика инспектори – халқ эътиборида. – Т., 2018. – Б 12-13.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва Қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005 сонли фармони. 2017-йил 10-апрел.



INNOVATIVE
ACADEMY